

Тазкия 180-дарс. Манманликнинг зарарлари ва унинг давоси

ТАЗКИЯ
180-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 10.04.2022 3020

1. Манманлик гуноҳларни унутишга ва тавбани кечиктиришга олиб боради.
2. Манманлик тоатларни озайтиришга ва уларда нуқсонга йўл қўйишга олиб боради.
3. Манман кишининг ҳаракатлари беҳудадир.
4. Манманлик ғурурга ва одамлардан ўзини юқори тутишга олиб боради ва уларнинг ёмон кўришларига сабаб бўлади.
5. Манманлик қилувчи ўзини ўзи ҳалок қилади.

Манманликнинг офатларидан бири кибрга олиб боришидир. Кибрдан эса кўплаб офатлар туғилиши сир эмас. Агар манманлик ва кибр жам бўлиб қолса, иккиси барча фазилатларни йўққа чиқаради ва ҳамма разолатларни жалб қилади. Ким мазкур икки нарсага эга бўлса, насиҳатга қулоқ осмайди ва тарбияни қабул қилмайди.

Банда яхши билиши лозимки, уни ҳам, ундаги хислатлар, фазллар ва амалларни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи халқ қилган. Бас, шундай бўлганидан кейин, олимнинг ўз илми ила, омилнинг ўз амали ила, бойнинг ўз бойлиги ила, кучлининг ўзидаги қувват ила, чиройлининг ўз чиройи ила манманлик қилишининг маъноси қолмайди. Чунки ўша нарсаларнинг барчаси Аллоҳ

Бу манманликни даволаш бошқаларидан кўра мушкул. Ўз фикри ила манманлик қиладиган одам бировнинг насиҳатига қулоқ осмайди. Ўзи нажот деб эътиқод қиладиган нарсани қандай ҳам тарк этиши мумкин?!

Бунинг давоси ўз фикрини доимо танқид остига қўйиш ва у билан ғурурга кетмасликка одатланиш орқали бўлади. Ўз фикрига Қуръони Каримдан, Суннатдан ва шартлари тўлиқ бўлган ақлий далиллардан шоҳид келтириш билан бўлади. Бу эса Қуръони Карим ва Суннатни яхши билиш ва уламолар мажлисини лозим тутиш орқали амалга ошади.

Умр бўйи илм билан машғул бўлишни ўзига ихтиёр қилмаган киши мазҳаблар орасидаги тортишувларга ўзини урмаслиги лозим. У уламолар баён қилган маънолар билан кифояланади. Тақвони лозим тутуди ва тоатларни кўпайтиради.

Ким мазҳабларга ўзини урса ва қўлидан келмаган илмий баҳсларга кўмилса, ҳалокатга учрайди.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди